O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 8 февраль, № 27 (4437) Жума

# Экспорт ҳажми ошмоқда

***Қурилиш, йўлсозлик, геология-қидирув соҳалари дейсизми ёки қайта ишлаш тармоқларими — улар фаолиятини компрессорларсиз тасаввур қилиш қийин. Агар бундай ускуналар саноқли давлатлардагина ишлаб чиқарилишини инобатга олсак, мамлакатимиз пойтахтидаги "Kompressor Pnevmotexnika" масъулияти чекланган жамияти ҳам ушбу йўналишда Марказий Осиё давлатлари ичида ягона ҳисобланади.***



СУРАТДА: корхона ишчилари Зокир Толжонов ва Бобур Чалов.

Б. АКРАМОВ олган сурат.

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

Мазкур корхонада ҳозирги кунда турли босимдаги 17 хилдаги компрессорлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беради. Бу эса, уларнинг харидоргирлигини таъминламоқда. Якунланган йилда умумий қиймати 151 минг АҚШ долларилик компрессорлар Россия, Қозоғистон, Озарбойжон, Грузия каби бир қатор давлатларга экспорт қилинди. Бундан ташқари, улар Туркиянинг "Екомак" ташкилоти кўмагида Европа давлатларига ҳам чиқарилмоқда.

— Яқинда Туркманистонда бўлиб ўтган халқаро кўргазмада иштирок этдик, — дейди жамият бош муҳандиси Бахтиёр Бадалов. — Маҳсулотларимизга талаб ниҳоятда катта бўлди. Натижада хорижий ҳамкорлардан кўплаб буюртмалар тушди. Қувонарлиси, туркманистонлик ҳамкорлар билан корхонамизнинг "Савдо уйи"ни очишга келишиб олдик. Албатта, бундан кўзланган мақсад мижозларимиз талабини янада тўлиқ қондиришдир.

Муҳими, "Kompressor Pnevmotexnika" корхонаси томонидан 2007 йилда 468 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жамоа аҳли жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш ниятида бор куч-ғайратини сарф этмоқда.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# РАВОН ЙЎЛЛАР ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАЙДИ

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

***Магистрал йўллар қуриш, хорижий давлатлар билан транспорт алоқаларини янада кенг йўлга қўйиш, соҳада замонавий техника ва технологияларни жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

**▼ Қарор ва ижро**

Соҳа ходимлари транспорт ҳаракатини тўхтатмаган ҳолда қисқа муддатларда йирик йўл ўтказгичлар, кўприклар, кўп қаторли транспорт ҳаракатига мўлжалланган замонавий магистраллар қуришни ўзлаштирди. Натижада тармоқ ривожланиб, меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди. Автотранспортнинг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракати йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси — "Ўзавтойўл"нинг бош мутахассиси Воҳид Аъзамовнинг айтишича, мамлакатимизда ҳар йили ўртача 150-200 километрлик йўл қурилади ёки реконструкция қилинади, 2000-2500 километрлик йўл эса капитал таъмирланади. Автомобиль йўлларини такомиллаштириш орқали йўлларнинг қуйи техник тоифадан юқори техник тоифага ўтказилиши таъминланаётир. Ўтган йили 244 километрлик йўл юқори тоифага ўтказилди.

Юртимизда техник жиҳатдан халқаро талабларга мос, кенг ва равон йўллар, йўл ўтказгичлар, маҳобатли кўприк ҳамда транспорт боғламаларининг кўпайиб бораётгани ҳайдовчи ва йўловчилар учун қатор қулайликлар туғдирмоқда. Муҳими, уларнинг узоғи яқин, оғири енгил бўлмоқда. Вақти, маблағи тежалмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида барпо этилган "Тошкент-Фарғона" йўлининг "Камчиқ" ва "Резак" довонларидан ўтган тунеллар бугунги кунда ўзининг мислсиз самараларини бераётгани бунга ёрқин мисолдир.

Илгари мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан Фарғона водийсига борадиган транспорт оқими Тошкент шаҳрининг «Халқлар дўстлиги» кўчаси орқали ўтар эди. 2006 йили қурилиши якунланган Катта ҳалқа йўлининг фойдаланишга топширилиши бундай ортиқча ташвиш ва муаммоларга барҳам берди. Бошқача айтганда, "Олмаота-Бишкек-Тошкент-Термиз", "Тошкент-Душанбе", "Тошкент-Ўш" халқаро автомобиль йўллари бир-бири билан туташтирилди.

Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган улкан кўприкнинг қад ростлаши Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун жуда кенг қулайликлар яратди.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами арафасида "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўлининг ишга туширилиши туфайли юк ва йўловчи ташиш 170 километрга қисқарди. Темир йўл транспорти тизими ва унинг корхоналарида кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконияти пайдо бўлди.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тармоқ ривожи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардир. Бунинг замирида бунёдкор халқимизнинг, хусусан, йўлсозу кўприксозларнинг бирдамлиги, юксак азму шижоати, куч-қудрати ва машаққатли меҳнати мужассам.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг йўл қуриш ишлари ҳажми ва сифати устидан назоратни янада кучайтириш, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта қуриш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қарорлари муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**▼ Тадбир**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий илмий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирда олимлар, адиблар, ёш тадқиқотчилар ва мумтоз адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

# БУЮК ШОИР МЕРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти С. Ғуломов, адабиётшунос олимлар А. Қаюмов, Т. Мирзаев, С. Ғаниева, И. Ҳаққулов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларидан буюк аждодларимизнинг бой меросини ҳар томонлама чуқур ўрганишга давлат даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Ана шундай эътибор самараси туфайли Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик мукаммал асарлар тўплами нашр этилди. Буюк бобомизнинг боқий хотирасига бўлган юксак эҳтиром рамзи сифатида юртимиз ва хорижда алломанинг ҳайкаллари қад ростлади. Шоир туғилган кунни кенг нишонлаш анъанага айланди.

Олимларимиз шоир адабий меросининг ўрганилмаган қирраларини кашф этиш, собиқ тузум даврида бузиб талқин этилган асарларини асл ҳолича тадқиқ этиш ва халқимизга етказиш мақсадида кенг кўламли илмий изланишларни олиб боряптилар.

Мазкур анжуманда ҳам бу борадаги ютуқ ва тажрибалар, ечимини кутаётган вазифалар атрофлича таҳлил этилди. Навоийшунослик соҳасида бадиий матн ва таҳлил муаммолари, Алишер Навоий ижодининг жаҳон адабиётида тутган ўрни, шоирнинг адабий-эстетик қарашлари каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида Алишер Навоийнинг мамлакатимиз ва хорижда чоп этилган асарлари, навоийшунослик соҳасидаги янги нашрлар кўргазмаси ташкил этилди.

**Б. ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# САМАРҚАНД ВА ТОШКЕНТ — МУСУЛМОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ДУРДОНАЛАРИ

***Саудия Арабистонининг ҳаж масалалари бўйича вазирлиги нашри — «Ҳаж ва Умра» журналининг сўнгги кетма-кет икки сонида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига бағишланган мақолалар эълон қилинди. Араб ва инглиз тилларида чоп этиладиган ушбу нуфузли нашр араб ва мусулмон мамлакатларида кенг тарқатилади.***

**▼ Дунё нигоҳи**

«Самарқанд — ислом меъморчилиги дурдонаси» сарлавҳали мақолада Шарқнинг нодир ижоди маҳсули ва Ислом маданияти ганжинаси сифатида эътироф этилган кўҳна шаҳарнинг шонли тарихи тўғрисида сўз боради. Муаллиф ўрта асрларда Шарқдаги араб мамлакатларида ушбу шаҳар хусусида кенг тарқалган қуйидаги сўзларни келтиради: «Самарқанд осмони мовий, саройлари эса юлдузлар мисоли нур таратиб туради, дарёлари Сомон йўлига ўхшайди».

Ўрта асрларда Самарқандда фан, маданият ва диншунослик илми ривожлана бошлагани ҳамда қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани қайд этилади.

«Ҳаж ва Умра» журналида ёзилишича, шаҳарнинг том маънода гуллаб-яшнаши уни 1370 йилда ўз давлатининг пойтахти деб эълон қилган буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур номи билан боғлиқ. Шаҳарга Ҳиндистон, Шероз, Исфахон, Дамашқ ва Анқарадан машҳур меъмор ва усталар таклиф этилган. Амир Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд ривожланган улкан кентга айланди. Бу ерда сарой ва масжидлар қурилиб, боғ-роғлар барпо этилди. Гўзаллик бобида Самарқанд Бағдод, Қоҳира ва Дамашқ каби жаҳонга машҳур шаҳарлар билан бемалол беллаша олган. Шаҳар Мовароуннаҳр дурдонасига айланди. Номаълум шоир ушбу шаҳарни қуйидагича таърифлайди: «Агар жаннат ер юзида бўлганида, бу албатта Самарқанд бўлур эди».

Мақолада, шунингдек, Улуғбек расадхонасининг яратилиши тарихи ҳам баён этилган. Журналда таъкидланишича, «Амир Темур набираси Мирзо Улуғбек Самарқанднинг машҳур ҳукмдорларидан бири ҳисобланади. У илм-фанга, айниқса, математика ва астрономияга ўзининг катта қизиқишини намоён этган. Улуғбек ўз атрофида ўша даврининг таниқли олим, шоир, меъмор ва муҳандисларини тўплай олган. У Самарқандда ўрта асрлардаги энг йирик расадхонани бунёд этди, йил давомийлигини аниқлади. Унинг бу борадаги ҳисоб-китоблари замонавий ўлчовлардан фарқ қилмайди. Расадхонада фаолият юритган олимлар ибодат вақтини аниқ белгиловчи ускунани кашф этган».

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***"Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқарувининг 2007 йилдаги фаолияти якунлари ва Ёшлар йилидаги асосий вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***

# САРҲИСОБ ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР

Унда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш, унинг эҳтиёжманд тоифаларига, ногиронлар ҳамда ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаётгани таъкидланди. Бундай хайрли ишлар кўлами Ижтимоий ҳимоя йилида сезиларли даражада кенгайди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси А. Аҳмедов бошқарган мажлисда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли ушбу тузилманинг мавқеи тобора ошмоқда. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган асосий йўналишлардан бири — аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтиришда маҳаллалар салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамғармасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, жамғарма томонидан 2007 йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига аниқ манзилли моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида 30 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Қишлоқ жойларидаги кам таъминланган оилаларга ҳомий ва ҳамкор ташкилотларни жалб қилган ҳолда 40 мингдан ортиқ қорамол берилди. Кўплаб эҳтиёжманд оилалар қўй ва парранда билан таъминланди. Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан

(Давоми 2-бетда).

# ҲАМКОРЛИКДА САМАРА БОР

Жиззах вилояти ҳокимлигида «Ҳудуддаги иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда жойлардаги ҳокимият органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлиги» мавзуида давра суҳбати бўлди.

Тадбирда республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, адлия бошқармаси, сиёсий партиялар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида мавзуга доир қизғин баҳс-мунозаралар бўлди. Ҳокимият ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигини таъминлашдаги мавжуд муаммо ҳамда камчиликлар, уларнинг ечимлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Анъанавий «Йил мактаби» кўрик-танловининг вилоят босқичида Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаб-интернати ғолиб деб топилди.***

# «Йил мактаби»

Бу бежиз эмас. Мактаб-интернатда нафақат Бухоро, балки қўшни вилоятлардан келган иқтидорли болалар ҳам таълим олишади. Битирувчиларнинг 95-96 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кириши одатий ҳолга айланган. Улар фан олимпиадаларида ҳам фаол қатнашадилар. Шунингдек, икки йилдирки, «Энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танловининг француз тили йўналишида шу мактаб муаллимлари ғолиб чиқишмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Саломатликка миллионлар

***Навоий вилоятидаги 38 та бошланғич даволаш муассасасига қирқ беш хилдаги тиббиёт асбоб-ускуналари келтириб ўрнатилди.***

Шунингдек, ҳудудда бир нечта тиббиёт даргоҳлари қурилиши бошлаб юборилди. Вилоят қон қуйиш маркази диспансери, онкологик диспансер шулар жумласидандир.

Янги йилнинг мақсадли дастурига асосан, Учқудуқ туманидаги марказий касалхона қурилишини тезлаштириш ва уни ишга тушириш ишлари ҳам жадаллаштириб юборилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Қўриқ»нинг ўз гузари

***Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида қишлоқларни ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш ишларида тадбиркорлик тузилмалари фаол қатнашаяпти. Чунончи, «Гули ширин» кўп тармоқли фирмаси «Қўриқ» маҳалласи аҳлига каттагина гузар қуриб берди.***

«Қамбаробод» деб номланган ушбу масканнинг кексаларга мўлжалланган 90 ўринли шинам чойхонасида тўй, маъракаларни бемалол ўтказиш мумкин. Мажмуадан ўрин олган новвойхона, косибчилик устахонаси, сартарошхона ҳамда бошқа хизмат шохобчаларида маҳалла ёшларидан 20 нафардан ортиғи меҳнат қилади. Хайрли юмушга қўл урган тадбиркор Баҳодир Қамбаровнинг эзгу ниятлари эса кўп — у гузарда маҳалла болалари бўш вақтини мазмунли ўтказишига мўлжалланган шохобча ҳам барпо этмоқчи.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САМАРҚАНД ВА ТОШКЕНТ – МУСУЛМОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ДУРДОНАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Самарқандда кўплаб масжидлар қурилган. Уларнинг энг гўзали — Амир Темурнинг Ҳиндистонда эришган ғалабаси шарафига бунёд этилган Бибихоним жоме масжидидир. Самарқанд Регистон майдони ва бу ерда улуғворликни ўзида мужассам этган Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари билан дунёга ном таратган», — дейилади мақолада.

Ушбу мадрасаларда ўз даврининг буюк олимлари талабаларга астрономия ва бошқа фанлардан сабоқ берганлар. Самарқанд мадрасалари ҳозирги кунда ҳам бу кўҳна шаҳарнинг фахр-ифтихори рамзи бўлиб келмоқда.

«Тошкент — ислом цивилизациясининг дурдонаси» номли мақолада Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани алоҳида таъкидланади

«Ҳаж ва Умра» журналида баён этилганидек, Тошкентга бу қадар юксак мақомнинг берилиши қатор тарихий ва маданий омиллар, унинг ўтмиши, шунингдек, бой илмий ва маънавий мероси билан боғлиқдир.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу бебаҳо меросни ўрганиш, асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиб бериш ва уни кенг тарғиб этиш борасидаги чора-тадбирлари юксак баҳоланмоқда.

Ислом меъморчилиги ёдгорликлари диққат билан ва ҳар томонлама чуқур ўрганилгандан сўнг ўзининг илк кўринишида қайта тикланмоқда. Машҳур Усмон Қуръони сақланаётган Ҳазрати Имом мажмуасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатда Ислом меросини қайта тиклаш ва уни бойитиш, шунингдек, Ислом динининг асосий тамойиллари ҳисобланган бағрикенглик, инсонпарварлик ва тинчликсеварлик ғояларини юксалтириш йўлида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

ISESCO томонидан берилган баҳога кўра, Ўзбекистон Ислом таълимоти ва маданияти равнақига улкан ҳисса қўшмоқда. Мамлакатда тарихий ёдгорликлар — мадраса, масжид, бебаҳо асарлар ва нодир қўлёзма тўпламлари сақланаётган кутубхона ва музейларни кўз-қорачиғидай асраб-авайлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Айни пайтда Тошкентда Имом Бухорий номидаги ислом институти, Кўкалдош мадрасаси, диншунослик соҳаси мутахассисларини тайёрловчи ҳамда МДҲ мамлакатларидаги ўзига хос ягона ўқув даргоҳи ҳисобланган Тошкент Ислом университети фаолият кўрсатмоқда.

«Ҳаж ва Умра» журнали мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломаларнинг илмий ва маданий мероси, шунингдек, Калон, Шоҳи Зинда, Кўкгумбаз ва шу каби бошқа мадраса ҳамда тарихий ёдгорликлар қайта тикланганини қайд этади.

Мазкур журнал саҳифасида «Тошкент ўзининг қадимий масжид, мадраса ва кутубхоналари билан жаҳоннинг турли қитъаларидан бу ерга ташриф буюраётган кўплаб сайёҳлар нигоҳини ўзига мафтун этмоқда» деб ёзилади ҳамда шаҳардаги тарихий ва маданий обидалар батафсил тасвирлаб берилади. Улар орасида Ҳазрати Имом мажмуаси, Кўкалдош мадрасаси, Тилла шайх масжиди, Тошкент музейлари алоҳида тилга олинган.

Шунингдек, Тошкентда ЮНЕСКОнинг «Ноёб дурдоналар рўйхати»га киритилган қўлёзмалар коллекцияси ва бошқа Ислом мероси ёдгорликларининг сақланаётгани зикр этилади.

«Ҳаж ва Умра» журналида Самарқанд ва Тошкентга бағишлаб чоп этилган мақолалар ушбу шаҳарларда қад ростлаган улуғвор меъморий ёдгорликларни акс эттирган ёрқин суратлар билан безатилган.

**«Жаҳон» АА.**

***Мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш механизми тубдан қайта такомиллаштирилди. Айниқса, аҳолини давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдори кескин ортди. Шу билан бир қаторда ёрдамга муҳтож бўлган кишилар ва оилаларга кўмаклашишнинг энг қулай тизими ишлаб чиқилди. Президентимиз фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари асосида айни вақтда ҳам бу соҳада изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи М. ЗИЁДУЛЛАЕВга бир нечта саволлар билан мурожаат қилди.***

# ФАХРИЙ УНВОН ИМТИЁЗЛАРИ

**— Мамлакатимиз Президенти эълон қилган тараққиётимиз беш тамойилининг бири ижтимоий сиёсатнинг устуворлиги ҳисобланади. Бу йўналишдаги сиёсатнинг ҳаётдаги ҳаракати юртимиздаги иқтисодий юксалишлар самараси эмасми?**

— Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки кунларданоқ аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда ошириб боришга, аҳолининг муҳтож қатламлари — пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатга муҳим устувор вазифа, деб қаралмоқда.

— Айтганингиздай, кейинги йилларда эришилган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари мана шу кенг миқёсли ижтимоий вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун ишончли негиз яратмоқда.

**Бизнинг шарҳ**

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тизимида пенсионерлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити ва сифатини яхшилаш муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимининг қонунчилик базаси ва механизмлари муттасил такомиллаштириб борилмоқда – 2002 йилдан бошлаб мамлакатда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган меҳнат стажи давомийлигини чеклаш бекор қилинган, 2005 йилдан бошлаб эса пенсия маблағларини фуқароларнинг жамғарма ҳисобварақларига якка тартибда жамғариш тамойилларига асосланган пенсия тизимининг янги қўшимча механизми жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили"да қабул қилинган қатор ҳужжатлар, жумладан, 2007 йил 1 августдан ва 2007 йил 16 ноябрдан «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида"ги ҳамда 2007 йил 1 октябрдан «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари давлатимизда пенсия ёшига етган деярли 3 миллион фуқаро даромадларининг асосий манбаи – пенсияларни янада кўпайтиришни таъминлашда яна бир муҳим қадам бўлди.

2007 йил 1 октябрдан пенсияларнинг оширилиши пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган даромадларнинг чекланган миқдорларини энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача ўзгартириш ҳисобидан таъминланди.

**2007 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжатнинг мақсади ва мазмун-моҳиятини ҳам шарҳлаб берсангиз.**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 январдаги "Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори айнан ушбу Фармонга асосан қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлган шахслар — «Халқ», «Хизмат кўрсатган арбоб» ва "Хизмат кўрсатган" фахрий унвон эгалари учун бериб келинаётган тўловлар миқдори 2008 йил 1 январдан бошлаб қуйидагича оширилди:

— «Халқ» ва «Хизмат кўрсатган арбоб» фахрий унвон эгаларига бериб келинаётган тўловлар энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробарига;

— "Хизмат кўрсатган" фахрий унвон эгаларига эса бериб келинаётган тўловлар энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробарига.

2008 йил 1 январдан «Халқ» ва «Хизмат кўрсатган арбоб» фахрий унвон эгаларига ушбу тўловлар энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари ёки 300 фоизини ташкил этади.

"Хизмат кўрсатган артист" фахрий унвон эгаларига бериб келинаётган тўловлар энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари ёки 180 фоизини, "Хизмат кўрсатган" бошқа фахрий унвон эгаларига эса бериб келинаётган тўловлар энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари ёки 160 фоизини ташкил этади.

Илгари амалда бўлган қонун ҳужжатлари асосида берилган фахрий унвонлар эгаларига тўловлар юқорида кўрсатилган миқдорларда амалга оширилади.

**— Бу тартиб ишлаётган ходимларга қандай қўлланилади?**

— Ишлаётган шахсларга (шу жумладан, ишлаётган пенсионерларга ҳам) фахрий унвонлар учун тўловлар асосий иш жойида иш ҳақи билан биргаликда тўланади. Ишламайдиган пенсионерларга фахрий унвонлар учун тўловлар пенсия билан биргаликда яшаш жойидаги ижтимоий таъминот бўлимлари орқали берилади.

Бу тўловлар пенсияларни ҳисоб-китоб қилиш учун инобатга олинадиган ўртача бир ойлик иш ҳақини ҳисоблашда қўшилади. Фахрий унвон учун тўловлар пенсионерларга оладиган пенсиянинг туридан қатъий назар тўланади.

**Эсиргап БОЛИЕВ суҳбатлашди.**

**Яхши хабарлар**

## Сардорлар танлови

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Замонавий ёшлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ёшлар йили муносабати билан ташкил этилиб, ундан мақсад йигит-қизларда сардорлик қобилиятини шакллантиришдир. Танловда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши қошида ташкил этилган «Сардорлар мактаби» тингловчилари қатнашишди.

Танлов шартларига кўра, ёшлар ўз билим ва дунёқарашларини текширибгина қолмай, нотиқлик, етакчилик хислатларини ҳам синовдан ўтказишди. Беллашувда ғолиб деб топилган ёшларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

## Маънавият масканига марҳамат

Республика Маънавият-тарғибот марказининг Хоразм вилояти бўлими янги бинога кўчиб ўтди.

Бино заллари халқ амалий санъати намуналари ва таниқли рассомлар асарлари билан безатилган, мебеллар билан жиҳозланган. Унинг Ахборот-ресурс маркази китоб фондига бой бўлиб, компьютерлар Интернет тизимига уланган.

Айни вақтда бу ерда турли йўналишдаги танловлар, ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари каби тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## Ҳомийлар кўмаги

Бешариқ туманидаги «Кулолобод-Бешариқ», «Жумабой» ва «Лазизбек Пўлатов замини» сингари пешқадам фермер хўжаликларининг 2 миллион сўм ҳомийлик ёрдамида туман ижтимоий таъминот бўлими ҳисобида турган 22 нафар ногирон учун аравачалар сотиб олинди. Бу билан шундай аравачаларга муҳтожларнинг эҳтиёжи қондирилди.

**Набижон СОБИР,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## Излаган имкон топар

Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси яхши ниятлар билан бошланган янги йилда барча соҳалардаги кўрсаткичларни янада кўтариш йўлида фаоллик кўрсатишмоқда.

Ушбу комбинатга қарашли Навоий машинасозлик корхонасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга моликдир.

Ҳозирда заводдаги каттагина майдонни эгаллаб турган автотаъмирлаш бўлимини кенгайтириш устида иш олиб борилаяпти. Бу эса соҳада кўплаб янги иш ўринларини яратишга имкон яратади. Бундан ташқари, заводда ишлайдиган кўпгина ёшлар юртимиздаги энг нуфузли олий ўқув юртларига ўқишга юборилаяпти.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***



***Олтиариқ дейилганда, кўпчиликнинг кўз ўнгида офтобда ял-ял товланган ҳусайни узумлар, довруғи етти оламга кетган хуштаъм бодринг ва тишласа карсиллайдиган турплар намоён бўлади, десак хато қилмаган бўламиз. Аслида бу эътирофнинг таг-замирида мазкур заминда яшаётган одамларнинг заҳматли меҳнати ётибди, албатта.***

**Интилиш**

# ИССИҚХОНА НЕЪМАТИ — ДАСТУРХОН ЗИЙНАТИ

Тумандаги "Маматқулхожиобод" фермер хўжалиги аъзолари 1,2 гектар майдонда деҳқончилик қилишади. Ўтган йили хўжаликда салкам 40 тонна бодринг ва 20 тоннадан зиёд помидор етиштирилди. Бу, ўз навбатида, бозорлар мўлкўллигига, шунингдек, хўжаликнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига хизмат қилди.

Ҳозирда хўжалик иссиқхоналарида етиштирилган сархил бодринглар аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** ишчи Маҳбуба Кенжаева меҳнати самарасидан мамнун; фермер хўжалиги иш юритувчиси Адҳам Маматов ва ишчи Алишер Матисаев ҳосил салмоғи хусусида суҳбатлашмоқда.



**Т. ҲАМРОҚУЛОВ**
***олган суратлар.***

**Сирдарё томонларда**

## Тадбиркор ҳиммати

***Икромжон Ҳайдаров ўзи таълим олган Янгиер шаҳридаги 6-умумтаълим мактабига 11 дона сўнгги русумдаги «Пентиум» компьютерини совға қилди.***

— Собиқ ўқувчимизнинг бу туҳфаси Ёшлар йилида ўқувчиларимизнинг янада самарали билим олишлари учун муносиб кўмак бўлди, — дейди мактаб директори, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутати Евгений Резник. — Қанийди, мана шундай саховатпеша инсонлар сафимизда янада кўпайса.

## Эътибор оғушида

***Ёшлар йили Ширин шаҳри аҳолиси учун қутлуғ келди. Йил бошиданоқ олти нафар ёш оила уй-жой билан таъминланди, улардан бир нафари имтиёзли ипотека кредити ҳисобидан уйли бўлди.***

Айни пайтда шаҳардаги қурилиши тугалланмаган, 48 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли бинода қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилди. Сирдарё ИЭС ҳомийлигида қад ростлаётган ушбу бино ёш оилаларга имтиёзли берилиши кўзда тутилган.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

# РАВОН ЙЎЛЛАР ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТГА БОШЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимизнинг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган «2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори тармоқдаги узоқ йиллик ҳаракат дастурини аниқ белгилаб берди. Унда йўл хўжалиги тармоғининг 2010 йилгача ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланиш концепцияси ўз ифодасини топган.

Шу ўринда Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) Марказий Осиё минтақавий транспорт йўлагининг бир қисми ҳисобланган асосий автомагистрални ривожлантириш учун Ўзбекистонга 75,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратганини таъкидлаш зарур. Бу маблағ "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов" автомагистралининг шимолда Ўзбекистон чегарасини Қозоғистон, жанубда Афғонистон ва Туркманистон билан боғлайдиган узунлиги 1204 километрлик йўлини ривожлантиришга йўналтирилади.

Йўлсозларимиз шунингдек, Европа давлатлари, Россия, Украина, Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Хитой сингари мамлакатларга олиб борадиган, Ўзбекистон ҳудудидан ўтган йигирмата халқаро аҳамиятга эга йўлнинг техник даражасини ошириш ишларини давом эттирмоқда.

Маълумотларга кўра, республикамиз автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги 183 минг километрдан зиёд. Жойлардаги тегишли йўл ташкилотлари томонидан ана шу йўллар атрофини ободонлаштириш, йўллардаги ажратиш ва муҳофазаловчи тўсиқларни бўяш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинаётир. Йўлларнинг четларига минглаб туп мевали ва манзарали дарахтлар, анвойи гуллар экилмоқда. 49 автобекат қурилиб, 483 таси таъмирланди. 128 жойда эса транспорт воситаларининг тўхташ майдони бунёд этилди.

Мамлакатимизда автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамда йўлларнинг сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, бинобарин, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамкорликда бир ярим мингдан ортиқ ёлғиз кекса ва пенсионерларнинг уйи жорий таъмирдан чиқарилди.

Мамлакатимизда ҳар йили умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш яхши анъанага

# САРҲИСОБ ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР

айланган. Бундай тадбирларда "Маҳалла" жамғармаси томонидан тегишли ташкилот, корхона ва муассасалар билан ҳамкорликда жойларда кўплаб ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва хайрия ишлари амалга оширилади. Жумладан, 2007 йили Наврўз байрами олдидан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари кунлари йигирма беш миллион тупдан зиёдроқ мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Кўплаб кўча, боғ-роғ ва қабристонлар тартибга келтирилди.

Ҳомийлар кўмагида "Саховат", "Мурувват", "Меҳрибонлик" уйларига, ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга 1,3 миллиард сўмдан зиёд хайрия ёрдами кўрсатилди. Турли кўринишдаги бундай хайрли мурувват ёрдамидан баҳраманд бўлган оилалар сони 648,5 мингдан ошди.

Юртимизда жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. «Маҳалла» жамғармаси томонидан бу борада ўтган йили «Соғлом оила», «Биз — соғлом спортчилар оиласимиз» мавзуларида кўплаб мусобақа, марафон ва спартакиадалар ўтказилди. Болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган «Футболимиз келажаги» турнири мусобақалари ярим миллион нафардан ортиқ ёшни қамраб олди. Ўтган йили маҳаллаларда қурилиб, фойдаланишга топширилган 276 спорт майдончасида бугун минглаб йигит-қизлар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда.

Мажлисда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг 2008 йил — Ёшлар йилида бундай хайрли ишлар кўламини янада кенгайтиришга доир муҳим вазифалари белгилаб олинди.

**(ЎзА).**

# ҲАР ҚАТРАСИ АРДОҚДА

***Амударё сув оқимининг бебошлиги, ўзанини тез-тез ўзгартириб туриши билан бошқа дарёлардан ажралиб туради. Бироқ «Туямўйин» гидроузели қурилиб, ишга туширилиши туфайли ана шундай хавф-хатарлар барҳам топди. Улкан тўғоннинг мўъжизакор қудрати натижасида Жайхун жиловланиб, дарё сувининг барқарор оқими таъминланмоқда, зарур пайтда миллиардлаб кубометр оби ҳаётни далаларга йўллаш имкониятини яратмоқда.***



Бу гидроузел қирғоқларининг узунлиги 500 километр, бўйи 170 километр, сатҳи 65 минг гектардан иборат бўлиб, уни назорат қилиш, бир миллион гектарлик экинзорларга сув етказиб бериш, дарё оқимини бошқариб боришдек масъулиятли вазифа бизнинг зиммамизга юклатилган.

Ишчилар, муҳандис-техник ходимларимиз ўз вазифаларини беками-кўст уддалашмоқда. Шу билан бирга, ўтган йили улар аҳолига 95 миллион кубометр ичимлик суви етказиб бердилар, 351 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқардилар.

Бир пайтлар машҳур венгер сайёҳи Херман Вамбери «Амунинг сувидек ширин сувни дунёнинг ҳеч қайси гўшасидан излаб топа олмайсиз» деб ёзган экан. Бинобарин, биз ҳаётимизда ғоятда муҳим ўрин тутадиган мазкур улкан дарёмиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шу боис, дарё сувининг ҳар қатрасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозир гидроузелга ҳар секундда 570 кубометр сув келиб тушяпти. Ҳавзаларда 3 миллиард 614 миллион кубометрдан зиёдроқ сув тўпланган. Бу режада кўзда тутилганидан анча кам. Чунки Хоразм вилоятида фақат ерларнинг шўрини ювиш учун 1 миллиард 150 миллион кубометр сув талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, жойларда шўр ювиш учун ажратилган сувнинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланиш, сув йўллари, коллектор-дренаж тармоқларини барвақт тозалаб қўйиш, ерларни сифатли текислаш юзасидан тушунтириш ишларини ҳам олиб бораяпмиз.

**Сув келтирган азиз**

Гап шундаки, барча соҳаларда бўлгани каби, ирригация тизимида ҳам сув ресурсларини қатъий ҳисоб-китоблар асосида тақсимлашнинг пайти етиб келди. Шундай қилинганда, биринчи навбатда, сувни исроф қилганнинг ўзи зарар кўради. Ва унинг бугун бўлмаса, эртага йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб олиши тайин. Бунинг учун сувни тақсимлашнинг турли даражасидаги нуқталарида назорат маскани барпо этиш, оби ҳаётни истеъмолчига қатъий ўлчамлар асосида йўналтириш биринчи даражали вазифа бўлмоғи керак.

Яқинда Амударёнинг «Сарилмой» участкасида назорат маскани барпо этилди. Эндиликда уяли телефон орқали хоҳлаган пайтда саноқли дақиқалар ичида ўлчов ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин.

Жамоамиз аъзолари бундан буён ҳам гидроузелни унумли ишлатиш, кам харажат сарфлаган ҳолда, истеъмолчиларга оби ҳаётни узлуксиз етказиб бериш, унинг ҳар қатрасидан тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш юзасидан бутун куч-имкониятларини сафарбар этаверадилар.

**Қуронбой БОБОЖОНОВ,**
**«Туямўйин» гидроузелини тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАРЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНЦЕРНЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ҚЎШМА ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

2007-2008 ўқув йилида университетни битирувчи бакалавр ҳамда магистрларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида **«Ёш мутахассислар-2008»** тадбирини февраль-март ойларида ўтказишини эълон қилади. Унда университетда мукаммал назарий-амалий билимларни эгаллаган, замонавий техника ва технологиялар ёрдамида иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қиладиган юқори малакали ёш мутахассислар билан ўзаро мулоқот қилишингиз мумкин. Ёш мутахассислар сизнинг ташкилот ва корхоналарингиз ривожига улкан ҳисса қўшишига университет раҳбарияти ишонади.

**Маълумот учун телефонлар: (8 371) 246-47-69, 246-58-89. Факс: (8 371) 246-59-47.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Миллий университети. www.nuu.uz, marketing@nuu.uz**

## 2007-2008 ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот
## БАКАЛАВРИАТУРА

| Т/Р | Таълим йўналишлари номи | Битирувчиларнинг умумий сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент вил. | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент ш. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари | 44 | | 3 | 2 | 1 | 2 | | 4 | 4 | 5 | 4 | 3 | 2 | 2 | 12 |
| 2. | Санъатшунослик | 17 | | 1 | | | | | 1 | 1 | 1 | 2 | | 3 | | 8 |
| 3. | Ўзбек тили | 98 | | 1 | 11 | 3 | 2 | 3 | 6 | 7 | 4 | 10 | 5 | 10 | 22 | 14 |
| 4. | Инглиз тили | 115 | | 3 | | 4 | | 2 | 3 | 3 | 1 | 21 | | 10 | 4 | 64 |
| 5. | Немис тили | 23 | | | 1 | | 2 | | 3 | | 1 | 3 | 1 | | 5 | 7 |
| 6. | Француз тили | 22 | | | 4 | | 2 | | 1 | | | 1 | | | 1 | 13 |
| 7. | Рус тили | 45 | | | | | | 1 | | | | 7 | | | | 37 |
| 8. | Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича) | 139 | 2 | 4 | 7 | 5 | 7 | 3 | 12 | 11 | 6 | 9 | 3 | 11 | 25 | 34 |
| 9. | Фалсафа | 71 | 2 | 1 | 3 | 2 | 4 | | 5 | 4 | 1 | 6 | 4 | 3 | 8 | 28 |
| 10. | Сиёсатшунослик | 40 | 2 | | | | 1 | | | 2 | 1 | 5 | | 2 | 6 | 21 |
| 11. | Психология | 80 | | 1 | | 3 | 3 | | 4 | 1 | 2 | 6 | 3 | 1 | 5 | 51 |
| 12. | Социология | 41 | 2 | 1 | 2 | | | | | 1 | 4 | 5 | 1 | 1 | 1 | 23 |
| 13. | Журналистика | 139 | 2 | 4 | 7 | 2 | 1 | 4 | 7 | 6 | 4 | 12 | 9 | 6 | 14 | 61 |
| 14. | Архившунослик | 16 | | | 1 | | | | | 4 | | 2 | | | 4 | 5 |
| 15. | Иқтисодиёт | 104 | 1 | 2 | 2 | 3 | 3 | 2 | 3 | 7 | | 15 | | 8 | 6 | 52 |
| 16. | Менежмент | 75 | | 1 | 1 | | 2 | | 3 | 1 | | 7 | 3 | 3 | 2 | 52 |
| 17. | Бизнес | 28 | | | | | 1 | 1 | | 1 | | 3 | 2 | | 1 | 19 |
| 18. | Юриспруденция | 137 | | 1 | 3 | 3 | 2 | 2 | 4 | 4 | | 19 | 5 | 7 | 14 | 73 |
| 19. | Биология | 92 | 2 | 1 | 5 | 3 | 6 | 1 | 4 | 4 | 2 | 10 | 2 | 8 | 10 | 34 |
| 20. | Физика | 40 | 3 | | 2 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 2 | | 3 | 9 | 17 |
| 21. | Механика | 13 | | | 1 | | | | 1 | 1 | | 2 | 2 | | 2 | 4 |
| 22. | Астрономия | 11 | | | | | 2 | 1 | 1 | | | 1 | | | 1 | 5 |
| 23. | Кимё | 53 | 4 | 1 | 4 | 3 | 2 | 3 | 2 | 1 | 4 | 9 | 3 | 1 | 6 | 10 |
| 24. | География | 63 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 2 | 8 | 2 | 3 | 8 | 2 | 1 | 6 | 27 |
| 25. | Гидрометеорология | 29 | 1 | 2 | 1 | 1 | | | 7 | 1 | | 6 | | | | 10 |
| 26. | Геология | 58 | | 1 | 2 | 1 | 7 | | 6 | 4 | | 10 | 2 | | 10 | 15 |
| 27. | Радиопрепаратлар ва ядровий технологиялар | 11 | | 1 | 1 | 1 | | | | | | 2 | | | 1 | 5 |
| 28. | Математика | 78 | 6 | 1 | 4 | | 5 | 2 | 5 | 2 | | 10 | 2 | 7 | 17 | 17 |
| 29. | Статистика | 20 | 2 | 2 | 1 | 1 | | | | 1 | | 2 | | 1 | 4 | 6 |
| 30. | Амалий математика ва информатика | 59 | | 2 | 1 | 2 | 3 | 1 | | 4 | 1 | 9 | | 1 | 4 | 31 |
| 31. | Информатика ва ахборот технологиялари | 72 | 2 | 7 | 1 | 2 | 2 | 3 | 2 | 5 | | 8 | 1 | 3 | 1 | 35 |
| 32. | Лазер техникаси ва лазер технологиялари | 11 | 1 | | | | | | 1 | | | | 1 | 3 | 3 | 2 |
| 33. | Геодезия, картография ва кадастр | 47 | 1 | 1 | 1 | 2 | 1 | 3 | 2 | 1 | 1 | 7 | | 2 | 2 | 23 |
| 34. | Агрокимё ва агротупроқшунослик | 27 | 1 | | 2 | | 1 | | 2 | 2 | | | | 4 | 9 | 6 |
| 35. | Экология ва табиатдан фойдаланиш | 26 | 1 | 1 | 1 | | 2 | | 1 | 3 | | 3 | | 1 | 3 | 10 |
| | **Жами** | **1944** | **36** | **44** | **72** | **44** | **63** | **35** | **99** | **88** | **42** | **226** | **54** | **102** | **208** | **831** |

## 2007-2008 ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот
## МАГИСТРАТУРА

| Т/Р | Таълим мутахассисликлари номи | Битирувчиларнинг умумий сони | Вилоятлик битирувчиларнинг сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент вил. | Фарғона | Хоразм | Қашқадарё | Тошкент ш. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбек адабиёти | 15 | 15 | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | 4 | 5 |
| 2. | Рус адабиёти | 7 | 7 | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | 5 |
| 3. | Ўзбек тили | 13 | 13 | | 1 | | | | 1 | | 1 | 1 | 2 | | 2 | 4 | 1 |
| 4. | Туркий тиллар | 9 | 9 | 1 | | 1 | 2 | | 1 | | 1 | | 1 | | | 1 | 1 |
| 5. | Инглиз тили | 47 | 47 | 1 | 1 | 1 | | | | | 1 | 7 | 5 | | | 1 | 30 |
| 6. | Немис тили | 9 | 9 | | | | | | | | | 2 | | | 3 | 2 | 2 |
| 7. | Француз тили | 7 | 7 | | | 1 | | 1 | | 2 | | | | | | 1 | 2 |
| 8. | Рус тили | 4 | 4 | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | 2 |
| 9. | Ватан тарихи | 13 | 13 | | | | | 1 | | 1 | | 1 | 1 | | | 3 | 6 |
| 10. | Умумий тарих | 11 | 11 | | 2 | | | | | | 2 | 2 | 1 | | | | 4 |
| 11. | Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари | 9 | 9 | | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | | | 1 | 3 |
| 12. | Археология | 9 | 9 | 2 | | | | 1 | | | 1 | | | 1 | 2 | 2 | |
| 13. | Фалсафа тарихи | 9 | 9 | | | | | | 1 | | | | 2 | 1 | 3 | 1 | 1 |
| 14. | Эстетика | 6 | 6 | | | | 1 | 1 | | 1 | | | | 1 | | | 2 |
| 15. | Дин ва эркин фикрлилик фалсафаси | 9 | 9 | | | | 1 | 1 | | 2 | | | | 1 | | | 4 |
| 16. | Замонавий ғарб фалсафаси ва тарихи | 10 | 10 | | | | | 1 | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 |
| 17. | Фан фалсафаси ва методологияси | 6 | 6 | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | 2 |
| 18. | Сиёсий фанлар назарияси ва тарихи | 11 | 11 | 1 | | | | 1 | | | 1 | | | | | 2 | 6 |
| 19. | Амалий сиёсатшунослик | 9 | 9 | | | | | | | 1 | | | 2 | | | 1 | 5 |
| 20. | Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги | 14 | 14 | | 1 | | | 1 | | 1 | 2 | | | 1 | | 1 | 7 |
| 21. | Умумий психология, психология тарихи | 27 | 27 | | | 2 | 1 | | | | 4 | | 2 | | | 1 | 17 |
| 22. | Спорт психологияси | 8 | 8 | 1 | | | 1 | 1 | | | | 1 | | 1 | | 1 | 2 |
| 23. | Социология назарияси, методологияси ва тарихи | 8 | 8 | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | 6 |
| 24. | Журналистика (фаолият турлари бўйича) | 17 | 17 | | 1 | | 1 | | 1 | | | | 5 | 3 | | 1 | 5 |
| 25. | Телевидение ва радио эшиттириш | 14 | 14 | | 1 | | | | | 1 | 3 | | 1 | | | 2 | 6 |
| 26. | Жамоатчилик билан алоқалар | 11 | 11 | | | | 1 | | | 1 | | | 2 | | | | 7 |
| 27. | Оммавий ахборот воситаларида реклама | 8 | 8 | | | | | | | | | | | | | 2 | 6 |
| 28. | Иқтисодий назария | 16 | 16 | | | | | | | 1 | 4 | | 1 | 1 | 1 | 2 | 6 |
| 29. | Минтақавий иқтисодиёт | 11 | 11 | | 1 | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | 7 |
| 30. | Менежмент (соҳалар бўйича) | 17 | 17 | | | | | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | 13 |
| 31. | Бизнесни бошқариш | 7 | 7 | | 2 | | | | | | | | | | 1 | | 4 |
| 32. | Халқаро иқтисодий муносабатлар | 31 | 31 | | 1 | | | | | | | | 5 | | | 3 | 22 |
| 33. | Давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ | 36 | 36 | 1 | 2 | 1 | 2 | | 3 | 3 | | 1 | 2 | 1 | | | 20 |
| 34. | Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ | 27 | 27 | 1 | 1 | 1 | | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | | | | 16 |
| 35. | Зоология | 4 | 4 | | | | | | | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 |
| 36. | Ботаника | 7 | 7 | 1 | | | | | | 1 | 1 | | 2 | | | 1 | 1 |
| 37. | Одам ва ҳайвонлар физиологияси | 9 | 9 | | | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | 1 | 5 |
| 38. | Микробиология | 6 | 6 | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | 4 |
| 39. | Генетика | 2 | 2 | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | |
| 40. | Биофизика | 3 | 3 | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 |
| 41. | Биокимё | 6 | 6 | | | | | | 1 | | | | | | | | 5 |
| 42. | Биотехнология | 9 | 9 | | | | 1 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | 4 |
| 43. | Ихтиология | 4 | 4 | | | | | 1 | | | | | | 1 | | 1 | 1 |
| 44. | Назарий физика | 4 | 4 | | | 1 | | | | | 1 | | | | | | 2 |
| 45. | Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси | 5 | 5 | | | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | 1 | 1 |
| 46. | Оптика, магнитооптика ва молекуляр оптика | 3 | 3 | | | | | | | | 1 | | 1 | | 1 | | |
| 47. | Лазер физикаси | 3 | 3 | 1 | | | | | | | 1 | | | | | 1 | |
| 48. | Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | |
| 49. | Радиофизика | 6 | 6 | | | | | 1 | | | 1 | | 1 | | | | 3 |
| 50. | Ядровий технологиялар | 7 | 7 | | | | | 1 | 1 | 2 | | | | | | | 3 |
| 51. | Полимерлар физикаси | 3 | 3 | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | 1 |
| 52. | Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш | 3 | 3 | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | 1 |
| 53. | Назарий механика | 2 | 2 | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | |
| 54. | Суюқлик, газ ва плазма механикаси | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 |
| 55. | Астрофизика, радиоастрономия | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | |
| 56. | Ноорганик кимё | 7 | 7 | | 1 | 1 | | 3 | | 1 | | | | | 1 | | |
| 57. | Аналитик кимё | 5 | 5 | | | | | | | | | | 2 | | | 2 | 1 |
| 58. | Органик кимё | 8 | 8 | 1 | | | | | | 2 | | 2 | | | 2 | | 1 |
| 59. | Юқори молекуляр бирикмалар кимёси | 8 | 8 | | | | 1 | | | | | 2 | | | | 2 | 3 |
| 60. | Нефть ва табиий газ кимёси | 7 | 7 | | | 1 | 2 | | | 2 | | | | | | 1 | 1 |
| 61. | Иқтисодий ва ижтимоий география | 18 | 18 | 1 | 1 | | | 1 | | | 1 | | 3 | 2 | 1 | 1 | 7 |
| 62. | Геодемография | 9 | 9 | | | | 1 | 2 | | 1 | | | 3 | | | | 2 |
| 63. | Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари, гидрокимё | 3 | 3 | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | 1 |
| 64. | Метеорология | 3 | 3 | | | | | 1 | | | | | | | | | 2 |
| 65. | Суғориладиган ҳудудлар гидрологияси | 5 | 5 | | | | | | 1 | | | | 2 | | | | 2 |
| 66. | Геофизика | 7 | 7 | 1 | | | | | | | | | 1 | 2 | | | 3 |
| 67. | Палеонтология ва стратиграфия | 3 | 3 | | | | | | | 2 | | | | | | | 1 |
| 68. | Петрография, вулконология | 2 | 2 | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 |
| 69. | Минералогия, кристаллография | 3 | 3 | | | | | | | | | | 1 | | | | 2 |
| 70. | Геология | 5 | 5 | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | | | 2 | |
| 71. | Математик таҳлил | 9 | 9 | | 1 | | | | | 1 | | | | | | 4 | 3 |
| 72. | Дифференциал тенгламалар | 9 | 9 | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | 1 | 4 | 1 |
| 73. | Эҳтимоллик назарияси ва математик статистика | 6 | 6 | 1 | 1 | | | 1 | | | | | 1 | | | 1 | 1 |
| 74. | Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси | 5 | 5 | | | | | | | | | | 2 | | | | 3 |
| 75. | Ҳисоблаш математикаси | 12 | 12 | 1 | | | | | | 2 | | | | | 1 | 3 | 5 |
| 76. | Амалий математика ва ахборот технологиялари | 16 | 16 | | | | | | 1 | | | | | | | 2 | 13 |
| 77. | Математик физика | 7 | 7 | 1 | | | | | | 1 | | | | | 1 | | 4 |
| 78. | Физик электроника | 4 | 4 | | | | | | | | 1 | | | | | 3 | |
| 79. | Картография | 8 | 8 | 1 | | | | | 1 | 1 | | | 1 | | | 1 | 3 |
| 80. | Тупроқшунослик | 3 | 3 | | | | | | | 2 | | | | | | 1 | |
| 81. | Агрокимё | 4 | 4 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | 1 | 1 |
| 82. | Экология | 17 | 17 | | | | | | 1 | | | 1 | 3 | | 1 | | 11 |
| 83. | Олий журналистика | 99 | 99 | 2 | 4 | 2 | 4 | 1 | 4 | 3 | 2 | 2 | 7 | 3 | 4 | 5 | 56 |
| | **Жами** | **846** | **846** | **20** | **25** | **14** | **22** | **24** | **26** | **46** | **37** | **26** | **74** | **22** | **38** | **83** | **389** |

***Инсон қайси ишга қўл урмасин, энг аввало, кўнглида эзгу бир ният бўлади. Токи ушбу ишдан самара бўлсин, ўзига, элу юртига манфаат тегсин, бу юмушлари Ватан равнақига имкон қадар ҳисса бўлиб қўшилсин. Ва бир куни, табиийки, инсон ўз меҳнатининг сарҳисобини ҳам қилади. Ўтган вақт, ўтган умр довонларида қандай хайрли ишлар қилди? Кимнинг корига яради ва кимларнинг дуосини олди?***

***Икки минг саккизинчи йилнинг аввалида АТ "Пахтабанк"ининг Андижон вилояти бошқармаси жамоаси ҳам ўтган йил сарҳисобига ана шундай саволлар билан назар солди ва бажарилган юмушлар натижасидан бир қадар қониқиш ҳосил қилди. Дарҳақиқат, мазкур бошқарма ва унинг жойлардаги филиаллари фаолияти якунланган йилда анча жонли кечди.***

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР — ЭЛ МАЪМУРЧИЛИГИГА

Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарини кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ, бултур ғалла етиштирувчиларга хизмат кўрсатаётган корхоналарга жами 7621,7 млн. сўм, пахта ҳосили харажатлари учун 39128,7 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, экин майдонларидан бўшаган ерларга такрорий экин экиш учун «Ўзкартошканавуруғлари» фирмаси билан тузилган шартномага асосан, картошка сотиб олиш учун фермер хўжаликларига 470,0 млн. сўм тижорат кредитлари берилди.

Вилоят бошқармаси жамоаси жойлардаги қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ҳамкорликда ишлаётгани ҳам ўз самарасини бераяпти. Бошқарма ва филиалларнинг махсус комиссиялари уларга ёрдам беришдан аввал корхоналарнинг техникага ва бошқа қишлоқ хўжалик жиҳозларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини пухта ўрганиб чиқади. Кредитлар фақат комиссиянинг махсус хулосалари асосида ажратилади. Ўтган йили ана шу хулосалар асосида 2073,4 млн. сўмлик 87 дона "ВТ-150» русумли трактор ва 80 дона плуг банк кредитлари ҳисобидан келтирилди. Бундан ташқари, бошқарманинг шаҳар ва туман бўлимларида хизмат кўрсатувчи 19 нафар мижоз "Клаас доминатор-130" русумли дон ўриш комбайнлари сотиб олиш учун шартномалар имзолаган эди. Ушбу комбайнларни харид қилиш учун банк кредитлари ажратилди.

Шу билан бирга, фермер хўжаликларига 522 млн. сўмлик 28 дона "ТТЗ" русумли чопиқ трактори, 93,9 млн. сўмлик 15 дона сув чиқариш насоси, 7,2 млн. сўмлик 2 дона ОВХ пуркагичи ва 83,6 млн. сўмлик ишлаб чиқариш техникалари ва эҳтиёт қисмлар учун ҳам кредит ресурслари ажратилди.

Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит линияси орқали эса Марҳамат туманига Беларуснинг "МТЗ-80Х" ва "МТЗ-1025" русумли 15 та тракторн ва 22 та культиватори етказиб берилди.

Бошқарма филиаллари ўтган давр мобайнида, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан ҳам алоқани янада мустаҳкамлади. Жумладан, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларидан келиб чиқиб, уларни ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларига молиявий ёрдам бериш, банк кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича йил давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Аниқроғи, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 1213 та лойиҳа бўйича 2569 млн. сўмни ташкил этди. Шундан 382 та субъект учун 1566 млн. сўм банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 979 млн. сўмлик 829 та лойиҳа Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳамда 2 та 24 млн. сўмлик лойиҳа эса Фермер хўжаликлари уюшмаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.



Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида деҳқон ва фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Уларга ажратилган кредитлар миқдори 778,4 млн. сўмни ёки жами ажратилган кредитларнинг 30,3 фоизини ташкил этди.

Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан эса, 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 28 та мижозга 153,6 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган маблағлар ҳам анча миқдорни ташкил этади. Шунинг ҳисобидан саноат соҳасига 94 млн. сўм, қишлоқ хўжалиги тармоқларига 1221 млн. сўм, савдо-воситачиликка 110 млн. сўм, қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасига 78 млн. сўм ҳамда бошқа тармоқлар учун 63 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилганлиги бунинг тасдиғидир.

Айни чоғда маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 107 та кичик бизнес субъектига туман филиаллари томонидан жами 449,9 млн. сўмлик кредит ажратилди. Касаначилик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 8 та субъектга 34,7 млн. сўмлик кредит маблағлари берилди. Шунингдек, «Олтинкўл туманида маиший, савдо ва сервис хизмати объектларини қуриш дастури»га мувофиқ, 11 та кичик бизнес субъектига 82 млн. сўм банк кредитлари ажратилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308 сонли Қарорига асосан эса, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорва моллари сонини кўпайтириш мақсадида ажратилган имтиёзли микрокредитлар 1826,6 млн. сўмни ташкил этиб, бу борадаги белгиланган режа 118 фоизга бажарилди.

## Банк ва мижоз

Мамлакатимизда ёшларга, айниқса, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Буни ҳаётдаги амалий ишлар ҳам кўрсатиб турибди. "Пахтабанк" Андижон вилояти бошқармасининг бу йўналишдаги фаолияти ҳам мақтовга арзирли. Ўтган йилнинг иккинчи ярми давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун 277 та ёш оилага 491,5 млн. сўм миқдорида микрокредит ажратилди. Масалан, банкнинг Пойтуғ бўлими томонидан ёш оила раҳбари, тадбиркор Илҳомжон Тўлановга дурадгорчилик фаолияти учун 3 йил муддатга 5 миллион сўм имтиёзли кредит берилганди. Тадбиркор бу кредит ҳисобига 3 та иш ўрни яратди. Айни пайтда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 990 минг сўмликни ташкил этмоқда. Олтинкўл бўлими яна бир ёш оила аъзоси, тадбиркор Акмалжон Рўзиевга парранда ва омихта ем сотиб олиш учун 2 йил муддатга 4 млн. 700 минг сўм миқдорида микрокредит ажратди. Умуман, шу давр мобайнида 313 та ёш оила моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Яъни, уларга 574,1 млн. сўмлик истеъмол кредитлари берилди.

Дарҳақиқат, банк филиаллари томонидан тадбиркорлар ва кичик бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан бир қаторда қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли учун янги иш ўринлари барпо этиш имкониятлари ҳам яратиб берилмоқда. 2007 йил давомида ажратилган кредитлар ҳисобига яратилган иш ўринлари сони 2240 тага етгани, кредитлар ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 2351 млн. сўмга ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 114 фоизга кўпайгани бунинг исботидир.

Республикамиздаги иқтисодий ўзгаришлар жараёнида «Пахтабанк»нинг Андижон вилояти бошқармаси асосий эътиборни аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш, мижозлар сонини кўпайтириш, бизнес-режа ва бюджет параметрларини бажаришга қаратаётганини ҳам кузатамиз.

Эл ишончи — олий саодат. Зеро, бугунги кунда "Пахтабанк"нинг Андижон вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари меҳнат жамоасига эл-юрт ишонаётган, шу ишонч туфайли уларга суянаётган экан, шунинг ўзи энг олий саодатдир. Жамоа бундан руҳланиб, депозит ва фоиз сиёсати стратегияси, тактикасини тўғри танлашга ҳаракат қилмоқда. Натижада банкда аҳолидан жалб қилинган омонатлар миқдори ой сайин ўсиб бораётир.

2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами омонатчилар сони 24062 нафар эди. Жорий йилнинг 1 январига келиб, бу кўрсаткич 29889 нафарга етди.

Депозит бозорини чуқур ўрганган ҳолда, унинг талаб ва таклифидан келиб чиқиб, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш мақсадида 2007 йил мобайнида 17 та янги омонат тури жорий қилинди. Айниқса, «Омад», «Ҳимоя», "Ғалаба", «Сармоя», «Даромад», "Капитал", «Баҳор тухфаси», «Мурувват», "Мукофот", "Манфаат", "Нуроний", "Нурли келажак", "Ифтихор" каби янги омонат турлари аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлаш муносабати билан эса банк тизимида аҳоли учун энг қулай ва манфаатли бўлган «Мустақиллик муборак» ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ёш оила», куз мавсумида «Ҳосил-2007», коммунал тўловларни амалга ошириш юзасидан «Маиший тўлов» каби жамғарма ҳамда муддатли омонат турлари ҳам очилди.

Хайрли тадбирлар ўз самарасини бермай қолмайди. Шу боис кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли омонатларининг қолдиғи йил бошидагига нисбатан ошди. Аҳоли муддатли ва жамғарма омонатлари улушининг ўсиш суръатига эга бўлганлиги туфайли, уларнинг омонатлардаги салмоғи сезиларли даражада кўпайишига замин яратилди. Янада аниқроқ айтганда, омонатларга жалб қилинган маблағларнинг ўртача фоиз ставкаси 27 фоизни ташкил этди. 2007 йил давомида жалб қилинган омонатлар бўйича 668 млн. сўмдан ортиқ фоизлар ҳисобланиб, эгаларига тўлаб борилди.

«Омонат» сўзининг луғавий маъноси «вақтинчалик», «муваққат» деган мазмунларни англатади. Аммо биз ҳикоя қилган АТ "Пахтабанк"ининг Андижон вилояти бошқармасига нисбатан элу юртимизнинг меҳр-муҳаббати, эътибори ва эътиқоди омонат эмас, балки собитдир, муваққат эмас, мустаҳкамдир. Ана шу ишонч ва эътиқод уларни янада куч-ғайрат билан ишлашга, эл фаровонлиги, юрт ободлиги, Ватан тараққиёти учун астойдил меҳнат қилишга чорламоқда.

**Ш. ЖЎРАЕВ.** t


***Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!***

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**ректорати 2007-2008 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.**

**Университетни бугунги кун талабларига мос келадиган битирувчи бакалавр ва магистрларига эҳтиёжи бўлган корхона раҳбарлари, уларга келгусидаги иш жойини танлаш имкониятини яратиш мақсадида, ташкилотингизда ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингиз (маош, тураржой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳақида университет раҳбариятига шу йилнинг 25 мартига қадар талабнома ва сўров хати билан мурожаат қилишингизни сўраймиз.**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини 2007-2008 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида маълумотни илова қиламиз.**
**(г-давлат гранти асосида, ш-шартнома асосида)**

**Маълумот учун телефон: 275-89-55 ЎзДЖТУ маркетинг хизмати бўлими факси: 275-09-91. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 100138, «Кичик халқа йўли», Г-9А мавзеси, 21-«А» уй.**


| № | Таълим йўналишлари, мутахассисликлар / Шаҳар (туман) ва вилоятлар | Бакалавриат: Инглиз филологияси | | Таржимонлик факультети | | Немис филологияси | | Француз филологияси | | Испан филологияси | | Рус филологияси | | Халқаро журналистика | | Жами | | Инглиз лингвистикаси | | Магистратура: Немис лингвистикаси | | Француз лингвистикаси | | Славян лингвистикаси | | Испан лингвистикаси | | Таржима назарияси ва амалиёти | | Халқаро журналистика | | Жами | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| 1. | Тошкент шаҳри: | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Яккасарой тумани | 7 | 25 | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 1 | 1 | | | 1 | 4 | 11 | 32 | | 4 | | | | | | | | | | | | | | 4 |
| | Шайхонтоҳур тумани | 14 | 37 | | 5 | | 2 | | | 4 | 6 | 1 | 1 | 6 | 13 | 25 | 64 | | 18 | | 2 | | | | | | 2 | | 1 | | 2 | | 25 |
| | Учтепа тумани | 11 | 32 | 2 | 3 | | | | 1 | 1 | | 5 | 1 | 1 | 5 | 20 | 42 | 2 | 7 | | | | 1 | 1 | | | 1 | | 2 | | | 3 | 11 |
| | Юнусобод тумани | 10 | 56 | 2 | 3 | 2 | 4 | 2 | 4 | 2 | 5 | 1 | 3 | 4 | 4 | 23 | 79 | | 13 | 1 | | | 2 | | | | 1 | | 2 | 1 | 1 | 2 | 19 |
| | Сирғали тумани | 11 | 27 | 1 | | | 2 | 1 | 4 | | 1 | 2 | 1 | 1 | 6 | 16 | 41 | 1 | 4 | | | | | | | | | | | | | 1 | 4 |
| | Чилонзор тумани | 16 | 52 | 7 | 9 | 3 | 6 | 1 | 1 | 2 | 2 | 5 | 6 | | 6 | 34 | 82 | 2 | 16 | | 2 | | | 1 | 1 | | | | 2 | 1 | 1 | 4 | 22 |
| | Ҳамза тумани | 17 | 42 | 1 | 3 | 5 | 1 | | | 1 | 3 | 3 | 4 | 1 | 4 | 28 | 57 | | 5 | | | 1 | | | | 1 | | | 2 | | 2 | 2 | 9 |
| | Миробод тумани | 2 | 21 | | 2 | 5 | 5 | 1 | 2 | 1 | | 6 | | 1 | 3 | 16 | 33 | | 7 | | | | | | | | | | | | 1 | | 8 |
| | Мирзо Улуғбек тумани | 17 | 43 | 1 | 3 | 2 | 8 | | | 1 | 6 | 2 | 3 | 1 | 3 | 24 | 66 | | 6 | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | 6 |
| | Собир Раҳимов тумани | 11 | 34 | | 4 | | 2 | 1 | 1 | | 4 | | | 4 | 13 | 16 | 58 | | 3 | | | | | | | | 1 | 1 | 3 | | | 1 | 7 |
| | Бектемир тумани | 8 | 12 | | | | | | | | | | | | 1 | 8 | 13 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 |
| | **Жами** | **124** | **381** | **15** | **33** | **17** | **30** | **7** | **14** | **13** | **28** | **25** | **19** | **20** | **62** | **221** | **567** | **5** | **84** | **1** | **4** | **1** | **3** | **2** | **1** | **1** | **5** | **2** | **12** | **2** | **7** | **14** | **116** |
| 2. | Андижон вилояти | 7 | 18 | 1 | 3 | 1 | | 1 | | 1 | | | | | 2 | 11 | 23 | 1 | 8 | 1 | 3 | | 1 | | | | | | | | 1 | 2 | 13 |
| 3. | Бухоро вилояти | 32 | 71 | 4 | 3 | 10 | 8 | 12 | 9 | | 1 | | 1 | 1 | 3 | 59 | 96 | 1 | 3 | | 1 | | 4 | | | | | | 1 | 1 | 2 | 2 | 11 |
| 4. | Жиззах вилояти | 1 | 22 | 2 | 1 | 4 | | 2 | 2 | | 1 | | | 2 | 8 | 11 | 34 | | 2 | | | 1 | 1 | | | | | 1 | 2 | | 2 | 2 | 7 |
| 5. | Наманган вилояти | 17 | 17 | | 1 | 5 | | | 3 | | | | 2 | 2 | 1 | 24 | 24 | | 5 | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | 7 |
| 6. | Навоий вилояти | 5 | 16 | | 2 | 8 | 12 | 2 | 7 | | | | | 1 | 4 | 16 | 41 | | 6 | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | 8 |
| 7. | Самарқанд вилояти | 16 | 26 | 2 | 3 | 5 | 3 | 4 | 3 | 1 | 1 | | | 5 | 11 | 33 | 47 | | 2 | 1 | 2 | | | | | | 1 | | | | 2 | 1 | 7 |
| 8. | Сурхондарё вилояти | 13 | 39 | 1 | 2 | | | | | | | 1 | | 2 | 13 | 17 | 54 | | 3 | | 1 | | | | | | | | 2 | | 4 | | 10 |
| 9. | Сирдарё вилояти | 3 | 15 | | 2 | | | | 1 | 1 | | | 1 | | 3 | 4 | 22 | | 8 | | | | | | | | | | | | | | 8 |
| 10. | Фарғона вилояти | 24 | 32 | 1 | 2 | 3 | 5 | 4 | 1 | 1 | 1 | | | 2 | 3 | 35 | 44 | | 5 | 1 | | | 1 | | | | | | | | 1 | 1 | 7 |
| 11. | Хоразм вилояти | 18 | 30 | 3 | 8 | 2 | 2 | 6 | 1 | | | 2 | 1 | 1 | 1 | 32 | 43 | | 3 | | 1 | 1 | | | | | | | | | 1 | 1 | 5 |
| 12. | Қашқадарё вилояти | 27 | 61 | 8 | 8 | 9 | 12 | 3 | 1 | | | | 1 | 5 | 11 | 52 | 94 | 1 | 12 | | 4 | | | | | | | | 1 | | 3 | 1 | 20 |
| 13. | Тошкент вилояти | 32 | 57 | 5 | 11 | 2 | 4 | 4 | 3 | 1 | 2 | 1 | 5 | 4 | 8 | 49 | 90 | 1 | 18 | | 1 | | | 1 | 4 | | 1 | | 3 | | 1 | 2 | 28 |
| 14. | Қорақалпоғистон Республикаси | 6 | 15 | 1 | 5 | | 1 | 1 | 1 | | | | | 1 | | 9 | 22 | 1 | 1 | | | 1 | 1 | | | | | | 3 | | 1 | 2 | 6 |
| | **Умумий жами** | **325** | **800** | **43** | **84** | **66** | **77** | **46** | **46** | **18** | **34** | **29** | **30** | **46** | **130** | **573** | **1201** | **10** | **160** | **4** | **18** | **4** | **13** | **3** | **5** | **1** | **7** | **3** | **24** | **3** | **26** | **28** | **253** |


## «ЎЗНЕФТМАҲСУЛОТ»

### АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ўтган йиллар учун ҳисобланган дивидендларни олмаган имтиёзли акциялар эгаларининг қуйидаги манзилга мурожаат қилишларини сўрайди:**

**Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 143-уй. Маълумот учун телефонлар: 169-16-32, 169-04-72.**

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Аукцион савдоси 2008 йил 4 март куни соат 11.00 да РКМБ Наманган вилояти филиали биносининг савдолар залида ўтказилади. Мазкур савдога Наманган вилояти хўжалик судининг 2006 йил 12 октябрдаги 16-0605-7230-сонли суд буйруғига асосан, Наманган вилояти Уйчи тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, 1983 йилда қурилган маъмурий бино (ертўласи ва бинога кириш соябони билан).**

***Бошланғич баҳоси — 40 896 424 сўм.***

**Жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг 2007 йил 9 октябрдаги 2-130-сонли ижро варақасига асосан давлат фойдасига мусодара қилинган Чортоқ тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган «ВОЛЬВО» русумли, давлат белгиси 16 R 52 03 бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз автотранспорт воситаси.**

***Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.***

2008 йил 4 март куни сотилмаган мулклар 2008 йил 20 март куни ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига қўйилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган закалат пулини РКМБ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги МФО 00223, ИНН 200933850, 20210000600571452072 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ушбу мазмундаги эълон «Наманган ҳақиқати» газетасининг 2008 йил 31 январдаги 9 (18381) ва 2 февралдаги 10 (18382)-сонларида чоп этилган.

**Ушбу эълон бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефонлар: 226-54-47, 226-27-01, 223-08-90.**

173R/155

## Диққат! Диққат! Аукцион савдоси!

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор сармоядорлар!**

**Сотиб олинг ва эгалик қилинг!**

**Фарғона вилояти хўжалик судининг 2006 йил 25 ноябрдаги 15-06-03/12810-сонли ҳал қилув қарорига асосан, Қувасой шаҳрида жойлашган «ТЖМ Деларос» қўшма корхонаси банкрот деб эътироф этилган. Суд бошқарувчиси Ортиқов Алимар Етмишевич томонидан қўйилган корхонанинг 19 гектар ер майдонида жойлашган, бошланғич баҳоси 1068181,8 минг сўм бўлган кўчмас мулк мажмуаси мужассам ҳолда 2008 йил 12 март куни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчасида жойлашган «Фер Трайд Оригинал Аукционс» МЧЖ томонидан аукцион савдо комиссияси иштирокида объект бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига чиқарилади.**

169R/206

## ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ

## Мука

**Пшеничная хлебопекарная**

**1-го сорта, п-во Казахстан**

ВЫСОКОЭФФЕКТИВНОЕ

## ДЕЗИНФИЦИРУЮЩЕЕ СРЕДСТВО

***не имеет запаха хлора, удобен в применении***

производство Россия

## ИММУНОСТИМУЛЯТОР РАСТЕНИЙ

Препарат рекомендуется использовать в качестве иммуностимулятора и стимулятора роста растений, начиная с протравки семян, кончая дефолиацией. Его применение способствует получению дружных и сильных всходов, ускорению роста и развития растений, повышению устойчивости растений к вирусным и грибковым заболеваниям, снижению вредоносности мелких грызущих-сосущих насекомых.

Предлагаемый препарат проявляет высокую биологическую активность на различных культурах, в т. ч. хлопчатнике и зерновых.

***Форма оплаты — безналичный расчет.***

**250-83-95, 186-55-55, 775-89-19**

товар сертифицирован

# O'ZSANOATQURILISHBANK

• "Ўзсаноатқурилишбанк" мустақиллигимизни мустаҳкамлашга бел боғлаган азму шижоатли ёшларимизга елкадош бўлишни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб билади.

• Ўтган йили банк томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 20.3 миллиард сўмлик кредит ажратилди.

• Банк кредити эвазига мамлакатимизда 37 та касб-ҳунар коллежи ва 4 та академик лицей бинолари ўз муддатида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

• «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳамиша ёшлар билан бирга, бундан буён ҳам уларга мададкор, ҳамкор ва камарбаста бўлаверади.



# ИШОНЧЛИ ҲАМКОР, ДОИМИЙ МАДАДКОР

**"Ўзсаноатқурилишбанк" мамлакатимиз гуллаб-яшнаши йўлида фидойилик қилаётган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида астойдил фаолият кўрсатмоқда**



## Истиқлол ва истиқбол

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқлари каби, банк тизими ҳам изчил ва аниқ мақсад йўлида ислоҳ қилиниши унинг мамлакат тараққиётидаги аҳамиятини кучайтириш, капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўламларини кенгайтириш ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилаш имконини берди. Биргина "Ўзсаноатқурилишбанк" ўтган давр ичида тор доирадаги идоралар ва ваколлик пунктларидан мустақил мамлакатимизнинг йирик молиявий-иқтисодий муассасасига айланди.

Эътибор беринг: кўп йиллик тажрибага эга бўлган ушбу банкка дастлаб халқ хўжалиги тармоқларини молиялаштириш вазифаси юклатилган бўлса, бугун у мамлакатимизнинг етакчи универсал молия муассасасидир. Саноат, қурилиш ёхуд транспорт, алоқа ва таъминот корхоналари дейсизми, уларнинг барчасига комплекс равишда молия-кредит хизматларини кўрсатиб келмоқда. Сўнгги йилда унинг ялпи маблағи 49.8 фоизга кўпайиб, шу йил бошида 92.6 миллард сўмни ташкил қилди. Низом жамғармаси эса 2 баравардан кўпроқ ошди. Кўриб турганингиздек, бундай ўсишга ҳар қандай банк ҳавас қилса арзийди. Мазкур молия муассасасининг иқтисодий ҳаётимизда тутган ўрни ва мавқеини, кенг қамровли фаолиятини, очиғи, қисқача сўзлаш қийин. Шу боис биз қуйида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг буюк келажагимизнинг муносиб ворислари ҳисобланмиш ёшларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширган тадбирларию истиқболда қилажак ишлари хусусида мухтасар тўхталишни жоиз топдик.

## Эъзоз, эҳтиром, эътибор

Истиқлол йилларида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик, навқирон авлоднинг иктидорли вакилларини қўллаб-қуввватлаш, уларниг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда устувор масалага айланганлиги ҳаммамизга кундек равшан. Мамлакатимиз Президентининг 2008 йилни "Ёшлар йили" деб эълон қилиши ҳам ёшлар, уларнинг манфаатлари, баркамол авлод келажаги йўлида олиб борилаётган ана шу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида барчамизнинг кўнглимизни кўтариб юборгани айни ҳақиқатдир.



Табиийки, ҳар бир миллат ўз бағрида ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида буюк орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган қудратли кучни кўради. Биз ҳам ёшларимизга ана шундай умид ва ишонч кўзлари билан қараймиз. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай кучни мамлакатимизнинг ёруғ келажаги ва беқиёс таянчига айлантириш учун ёшларга ғамхўрлик талаб қилинади. Шуни қувонч билан айтамизки, бу масала мамлакатимизда давлатимиз сиёсатининг диққат марказида турибди.

Фикримизнинг ёрқин далили сифатида Президентимизнинг ўтган йил май ойида эълон қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбир тўғрисида"ги Фармонини айтишимиз мумкин. Чунки ушбу ҳуқуқий ҳужжат ёш оила, унинг келажагига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди. Мазкур Фармон сабаб, аввало, ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйиши ва меҳнат фоалиятини эркин бошлаши, барқарор даромад манбаига эга бўлиши, иккинчидан эса, уй-жой ҳамда маиший шароитини яхшилаб олиши учун янада кенгроқ имконият яратилди.

Фармон эълон қилинганидан кейин "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг барча филиалларида унинг талаблари ўрганиб чиқилди. Бу талаблар ижросини таъминлаш мақсадида банк ўтган йил давомида ёшларнинг ҳаётий муҳим масалаларини таъминлаш учун жами 20,3 миллиард сўмлик кредит ажратди. Шу тариқа минглаб оилаларга файзу барака кириб борди. Энг муҳими, банк томонидан ажратилаётган кредитлар ёшларнинг иқтисодий имкониятлари ошишига хизмат қилаяпти.

## «Ҳовли тўйига келинг!»

Очиғи, бугунги кунда "Ўзсаноатқурилишбанк" маблағи ҳисобига ўз ҳаёти ва оиласини тиклаб, уй-жойли бўлиб, бунинг учун банкнинг кўмагидан миннатдор бўлаётган ёш оилаларни юртимизнинг қатор шаҳар ва туманларида учратиш мумкин.

— Президентимизнинг ёш оилаларни қўллаб-қуувватлашга қаратилган Фармони оиламизга шодлик олиб келди, — дейди тошкентлик Шерзод Одилов ўз қувончини яшира олмай. — Мен "Ўзсаноатқурилишбанк"дан уй-жой сотиб олиш учун 38,5 миллион сўм кредит олдим. Икки нафар фарзандим ва турмуш ўртоғим билан ушбу маблағ ҳисобига сотиб олинган тўрт хонали уйда ширин орзу-умидлар билан яшаяпмиз. Ўз уйингда яшашга нима етсин!

— Уйланганимга икки йил бўлди. Ширингина фарзандимиз ҳам бор. Аммо уй-жой масаласи муаммо бўлиб қолса, рости, бироз қийин аҳволда қоларкансиз, — дейди Алишер Раҳимов.

— Бахтимизга Президентимизнинг мазкур Фармони жонимизга оро кирди. "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан берилган 24 миллион сўмлик кредит ҳисобига пойтахтимиздан икки хонали уй сотиб олдик. Бунинг учун Президентимиз ва банк ходимларидан миннатдормиз.

— Ушбу кредитни расмийлаштириш жараёнида кийинчиликлар бўлмадими? — дея сўраймиз.

— Йўқ. Бизга кредит олиш тартиб ва қоидаларини тушунтиришди, — дея гапида давом этади А.Раҳимов. — Имконият ва шароитларимиз, доимий иш жойига эга эканлигимиз, тўловга лаёқатлилигимиз эътиборга олиниб, эҳтиёжимизга яраша кредит қисқа вақт ичида берилди.

Самарқанд шаҳрида яшовчи Шуҳрат Маматов анчадан бери хонадонига телевизор, музлатгич ва кондиционер сотиб олиш орзусида юрар эди. Банк томонидан ажратилган истеъмол кредити ҳисобига унинг бу орзуси ушалди.

Ҳа, ҳозир мазкур банк берган кредит эвазига Шуҳратга ўхшаб хурсандчилиги еру кўкка сиғмайдиган ёшлар анчагина. Агар биргина ўтган йил давомида ана шундай мақсадларга ажратилган истеъмол кредитлари 7.04 миллиард сўмни ташкил этганлигини эътиборга олсак, бу қанчалаб хонадонга шоду хуррамлик, қувонч олиб кирганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

## Мустақиллик дастхати

"Ўзсаноатқурилишбанк" ёш авлоднинг орзу-мақсадларини тезроқ рўёбга чиқаришдек улуғ мақсад йўлида амалга ошираётган ишларининг яна бир эътиборли жиҳати шуки, у мамлакатимизнинг турли ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида кўркам уй-жой қурилиши ва қайта қурилишини молиялаштириш ҳамда кредитлашга киришганлигидир. Айни пайтда банк томонидан Навоий, Наманган, Самарқанд, Каттақўрғон ва Ангрен шаҳарларида жами 262 хонадонли 8 та уйни миллий аньаналар ва бугунги кун ютуқларини уйғунлаштирган ҳолда қуриш учун пудратчи ташкилотлар билан мулоқот олиб борилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида қурилиши тугалланмаган 30 хонадонли уй қурилишини тўла-тўкис охирига етказиш учун 350,0 миллион сўмлик кредит ажратиш бўйича келишувга эришилди. Ушбу мақсад учун 242 миллион сўм маблағ ҳам берилди.

Бундан ташқари, банкнинг Навоий вилояти филиали томонидан Навоий шаҳар 17-«б» митти туманидаги умумий майдони 3168 кв.. метр бўлган 2 та 24 хонали янги уй бунёд этадиган пудратчи ташкилотга кредит ажратиш учун қарор қабул қилинди. Мазкур лойиҳанинг умумий баҳоси — 1807 миллион сўм. Банк томонидан ҳозирда 300 миллион сўм ажратилди. Ушбу иншоотни фойдаланишга топшириш шу йил сентябрь ойига мўлжалланган. Қолаверса, ҳозирда банкнинг Самарқанд минтақавий филиали томонидан вилоят марказида жойлашган иккита 9 қаватли уй қурилишини тугатиш юзасидан ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Инсон эзгу ният-муддаолар билан яшаса, тадбирли ва омилкор бўлса, Яратган унинг йўлини ёруғ қилади, ишининг ривожини беради, албатта. Айниқса, бутун давлат, жамият умумий мақсад ва орзу-ниятлар билан яшаса, бунинг хосияти янада улуғроқ бўлади. Шу маънода, "Ўзсаноатқурилишбанк" яқинда яна бир ана шундай эзгу ишга қўл урди. Гап шундаки, узоқ йиллардан буён Наманган шаҳрида умумий майдони 1670 кв. метр бўлган 40 хонадонли қурилиши тугалланмаган уйни мутлақо янгича шаклда бунёд этиш масаласи ҳал қилинмоқда. Бунинг учун эса 914 миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириш лозим бўлади. Банк томонидан ана шу мақсадда 475 миллион сўмлик кредит маблағи ажратилди.

Бундан ташқари, банк кредити орқали Ангренда умумий майдони 5600 кв. метр бўлган 2 та 72 ва 48 хонадонли уйларни капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Умуман, ушбу молия муассасанинг бу борадаги ишларини сарҳисоб қилиб, айтиш мумкинки, банк томонидан ўтган йили жами 72,3 миллиард сўмлик 41 та иншоотни қуриш ва қайта реконструкция қилиш учун тендер савдоларида ғолиб чиққан 39 та пудратчи ташкилотга 18,06 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Қолаверса, банк маблағлари ҳисобига ўз айланма маблағларини тўлдириш учун 28 та пудратчи ташкилотга жами 5,6 миллиард сўмлик кредитлар берилди.

Яна бир гап. Банк томонидан пудратчи ташкилотларни ўз вақтида кредитлаш туфайли 37 та касб-ҳунар коллежи ва 4 та академик лицей биноларининг ўз муддатида фойдаланишга топширилганлиги барчанинг "Ўзсаноатқурилишбанк"ка бўлган ишончини янада ошириб бормоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб жорий йил дастурга киритилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилиши ва қайта қурилиши учун тендер савдоларида ғолиб чиққан пудратчи ташкилотларни кредитлаш ишлари амалга оширилди.

Табиийки, бундай эзгу саъй-ҳаракатлар бугунимиз ва эртамизнинг ҳал қилувчи кучи бўлмиш ёшларимизнинг порлоқ истиқболи учундир. Бинобарин, ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама баркамол авлод мамлакатимизнинг бахти ва улкан имкониятидир. Бугун "Ўзсаноатқурилишбанк" маблағи эвазига қад ростлаётган бир-биридан маҳобатли ва гўзал иншоотларни истисно тариқасида юрт мустақиллигини тарих саҳифаларида қолдирган дастхатига ўхшатиш мумкин.

## Мақсад моҳиятни белгилайди

Тўғри, бу билан бизнинг келажагимиз, суянч ва таянчимиз бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар интиҳо топмайди. Айниқса, жорий йил ёшларимизнинг орзу-интилишлари ва бахт-саодатини таъминлаш борасида бетакрор хайрли бир босқичга айланиши, шубҳасиз. Чунки бугун айни шу жабҳада олиб борилаётган бир-биридан кўламкор ишлар бунга қатъий ишонч уйғотади. "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳам ўз навбатида, ёшларга ҳар жиҳатдан мададкор бўлиш учун — хоҳ у тадбиркорлик, хоҳ уй-жой масаласи, хоҳ истеъмол ёхуд таълим кредитлари бўлсин — доимо амалий ҳамкорликка тайёр. Шу мақсадда яхши ниятлар билан бошланган 2008 йилда банк бизнес-режасига мувофиқ, ёшларга 30 миллиард сўмлик кредит берилиши режалаштирилган.

Модомики, шундай экан, "Ўзсаноатқурилишбанк" ҳамиша ёшлар билан бирга. Уларга мададкор, ҳамкор ва камарбаста бўлаверади. Зеро, мазкур банкнинг навқирон, ташаббускор жамоасининг истаклари эзгу, ниятлари қатъий. Демак, "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг молия стратегияси, унинг бутун фаолияти бундан кейин ҳам мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан равнақ топишига муносиб ҳисса қўшишга қаратилаверади.



**Ф. САНАЕВ.**

Навоийхонлик

Республика Болалар кутубхонасида мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 567 йиллигига бағишланган адабий-мусиқий кеча бўлиб ўтди.

## Одамийлик сабоғи

Тадбир Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий ходимлари, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари ҳамда мактаб ва коллеж ўқувчилари иштирокида ўтди.

— Театримизда саҳналаштирилган "Навоий" спектакли билан боғлиқ қизиқ бир ҳолат ҳеч эсимдан чиқмайди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова. — Ўша саҳна асарида бир болакай ёш Алишер ролини ижро этганди. Спектаклдан сўнг биз, ёши катта актёрлар болакай билан ҳазиллашдик. «Энди мактабда тўполон қилмасанг керак, ахир, сен ҳам бизга ўхшаб актёр бўлдинг» деган гапимизга ўша бола шундай жавоб қилганди: "Бундан буён фақат аъло баҳоларга ўқишим, ўз одобим билан ҳаммага ўрнак бўлишим керак. Чунки Навоий шундай бўлган". Қарангки, роль ўйнаш баҳонасида бир неча кун ҳазрат номи билан ҳамнафас бўлгани учун болада буюк алломага нисбатан ҳурмат, унга тақлидан фақат яхши хислатларни ўз феълига юқтириш истаги кучайди. Менимча, бундай ҳис ҳар бир болада шаклланишига ҳаракат қилишимиз керак. Ҳазрат Навоий мероси эса ёш авлодга инсонийлик ва одилликдан сабоқ беради.

Кечада Тошкент маданият коллежи ва 64-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг бадиий чиқиши намойиш этилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Алишер Навоий ижодиёти ҳақиқий маънавият қомусидир. Навоий мулоҳазаларини ҳаёт манзаралари билан қиёсан мушоҳада этаркансиз, беихтиёр «Қанийди улуғ мутафаккир асарлари, улардаги ҳикматомуз фикр-ғоялар ҳар биримизга доимий ҳамроҳ бўлса» деган истак туғилади, кўнгилда. Айниқса, "Маҳбуб ул-қулуб"даги панду насиҳатлар, танбеҳу ҳикояту ривоятларнинг турган-битгани маънавият малҳамларидир.***

# БАЙТЛАРДАГИ МАНГУ ҲИКМАТ

Хусусан, бозор иқтисодиёти шароитида бундай маънавият малҳамлари жуда асқотади. Асарнинг "Тижорат аҳли зикрида", "Шаҳарда олиб сотқувчилар зикрида", "Бозор косиблари зикрида", "Деҳқонлик зикрида" каби фаслларида ҳақиқий савдогар ким-у, устомон олибсотар ким, бунёдкор деҳқон маънавиятининг моҳияти нимадан иборату бекорчи боқимандалар ҳамда хатти-ҳаракати ҳирсу тамага чулғанган кимсаларнинг ички қиёфаси қандайлиги жонкуярлик билан ёритилган. Навоий наздида, чинакам савдогар дунё кезади ва ўз юртида ноёб бойликларни муҳайё қилади. Халқ бундай жаҳонгашта савдогарнинг нафақат олиб келган молларидан, балки унинг тужжорлик саргузаштларидан, сўзлайдиган етти иқлим ажойиботлари ва дунё ғаройиботларидан ҳам баҳраманд бўлади.

Савдогарнинг иши жуда оғир, кези келганда, у дунёнинг молу мулки учун жонининг роҳатидан, ҳар қандай орому оройишдан кечади, бироқ мақсад-муддаосига эришади: "Бири юз бўлурдин бошида минг савдо, бўзи катон бўлурдин кўнглида неча таманно". "Мундоқ кишининг мақсуди тамом асиғ бўлмаса ва бу асиғ ҳусули учун ранжи қаттиғ бўлмаса, савдо учун тенгизга кема сурмаса, дур учун наҳанг комиға қадам урмаса", бири икки бўлмайди. Унинг касби кори баракали, айни пайтда жуда таҳликали. Фақат у мулкдорлик руҳиятига берилиб кетса, нафсу ҳавасга ружу қўйса, беихтиёр маънавиятини мулкига қурбон қилади. "Молин азиз асраб, ўзини хор этган" бундай кишилар ҳамма замонларда мавжуд. Навоий бундайларнинг таърифини назмда шундай келтиради:

*Мундоқ кишида йўқ хирад ва ҳушдин нишон,*
*Билгил гадо агарчи эрур хожаи жаҳон.*

Яъни, у бой-бадавлатликда жаҳон хожаси мартабасида бўлса-да, маънан бир гадо аҳволидадир. Бу — бизнинг замондошларимиз учун жуда таъсирчан сабоқ. Жамиятимизда мулкдорлик маънавияти шаклланмоқда. Бугун мулкдорларни замонамиз қаҳрамони, дейишимиз мумкин. Мулкдорлар қанча кўпайса, давлат ва жамиятимиз шунчалик бойийди. Бироқ мулкпарастлик руҳияти бошқача тушунча. Навоий байтида тасвирланганидек, ақл-ҳушидан нишон қолмаслик даражасида мол-мулкка ҳавас боғлаш мулкдорни мулкпарастга айлантириб қўяди ва уни маънавий таназзулга тортади.

Бозорда нарху навони сунъий равишда кўтариб, халққа жабр-зулм ўтказувчи худбин, тўймас, ноинсоф олибсотарлар тоифасини Навоий жуда ҳаётий тасвирлайди: "Элга зиён анинг суди, ўнғой олиб, оғир сотмоқ анинг мақсуди. Олурда катонни бўз деб, сотарда бўз васфида катондин ортуғ юз сўз деб. Шолни тўрқа ўрнига ўткара олур бўлса, таъсир йўқ, бўрёни зарбафт ерида сота олур бўлса, тақсир йўқ. Дўконида барча мато мавжуд, ғайри инсоф". Дўконида инсофдан бошқа ҳамма нарса муҳайё бўлган бундай кимсалар тўғрисида Навоий қуйидагича сабоқ чиқаради:

*Бу хайл одам эмаслар, яхши боқсанг,*
*Эрур судинг алардин гар йироқсанг.*

Навоий инсофсизларни "одам эмас" деяпти. Демак, инсоф одамийликнинг марказий мояларидан бири экан.

Халқимиз инсоф масаласида "Теша бўлма, арра бўл" деган нақлни ишлатади, яъни инсофсизни тешага, инсофлини эса аррага ўхшатади. Чунки теша пўстлоқни фақат ўзи томонга чопиб олади, арра бўлса ишлаганида қипиқни ҳам ўзи томонга тортади, ҳам бошқаларга сочади. Навоий ҳам ҳақиқий савдогар аррадек савдосидан ўзи баҳраманд бўлса ва бошқаларни баҳраманд этса, деган фикрни баён этади.

Бозордаги товламачи косибларнинг феъл-атворини Навоий шундай тасвирлайди: "Бозорда савдогар косиб – Тенгриға хоин ва ваъдаға козиб. Бирга арзирни юзга сотмоқдин аларға минг мубоҳот, мингга тегарни юзга олмоқдин аларға йўқ бир зарра уёт. Ростлиқ била савдо аларға зиёнкорлиқ ва ваъдаға вафо аларға бадкирдорлиқ".

Алишер Навоий меҳнат аҳлини севади, қадрлайди ва улуғлайди. Бунёдкорлик, яратувчилик ишқи билан ёнган, эвазига ўзи ҳам бойлик орттириб, элининг ҳам тўқ-фаровонлигини таъминлайдиган деҳқонларни ўзгача муҳаббат билан тавсифлайди: "Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар... Деҳқонки, тузлук била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочқон дона кўкаргунча, ўруб хирмон қилиб, маҳсулин кўтаргунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг била шод. Кабутарларға андин мастлиғ, тўрғайларға андин нишотға ҳамдастлиғ. Ўроқчиға андин рўзи, бошоқчининг ёруб андин кўзи". Деҳқоннинг биргина дона сочиши, яъни экин экиш фаолиятидан чексиз манфаат унади, унинг боғдорчилик ва бошқа қолган ишлари таъриф-тавсифга сиғмайди, дейди Навоий. Унинг фикрича, деҳқончилик давлат ва жамият бойлиги, тўқлиги ҳамда фаровонлигининг асосий манбаидир.

Англашиладики, жамиятда мулкдорлик руҳиятини шакллантиришда Навоий асарларининг тарбиявий-таълимий аҳамияти беқиёсдир. Улуғ мутафаккирнинг ўзи ҳам йирик мулкдор бўлган, бинобарин, у ўзидек мард, танти, ҳимматли, саховатли, маърифатли мулкдорлик тарафдоридир.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори.**


















Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси «Тиллар» кафедраси катта ўқитувчиси Шаҳноза Тошматовага онаси

**САНОБАР**
**аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбарияти, жамоат ташкилотлари «Тўқимачилик материалшунослиги» кафедрасининг доценти Тўлқин Очиловга падари бузруквори

**АШУР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси хўжалик бўлими бошлиғи Тиркаш Пўлатовга падари бузруквори

**СОТИБОЛДИ**
**отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 43619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6 8